Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 20-avgust, seshanba № 98 (3291)

# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2013 йил 22 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2013 йил 21 август соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

**Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига**

**Самарқандда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.**

## Инсон эъзоз топган юрт

Тайлоқ туманининг «Пайшанбасиёб» маҳалласида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Т.Нарбаева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самаралари ҳақида сўз юритди.

Давлатимиз томонидан кучли ижтимоий сиёсат юритилиши аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами манфаатларини муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлашга хизмат қилмоқда. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. «Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, болаларни ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этиш, меҳнат фахрийлари ва ногиронларни сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклаш учун йўлланма билан таъминлаш юзасидан кўплаб хайрли ишлар бажарилди.

Тадбирда Тайлоқ, Булунғур, Жомбой ва Ургут туманларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар, хизмат бурчини бажариш чоғида вафот этган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларига уй-рўзғор буюмлари ва бошқа эсдалик совғалари топширилди.

— Давлатимизнинг ғамхўрлиги ва халқимизнинг меҳр-мурувватидан бениҳоя хурсандмиз, — дейди Тайлоқ тумани Сарибозор маҳалласида яшовчи Санобар Сайидмуродова. — Ҳокимлик, маҳалла фаоллари тез-тез хонадонимизга келиб, ҳол сўраб туришади. Томорқамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирмоқдамиз. Шунинг ҳисобидан рўзғоримиз бут, дастурхонимиз тўкин.

Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар даврага янада кўтаринки кайфият бағишлади.

**Ғ.ХАСАНОВ, ЎзА мухбири**



## Хусусий корхона

**Обод турмуш йилида Оролбўйида кўплаб янги корхоналар ишга туширилмоқда. Яқинда иш бошлаган Амударё туманидаги «Алишер Саъдулла» хусусий корхонаси улардан бири. Бу ерда 5 турдаги полиэтилен қоплари ишлаб чиқарилмоқда.**

Бир сменада 800 килограммгача маҳсулот тайёрлаш қувватига эга корхона Давлат акциядорлик тижорат «Асака банк» кўмагида замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Асосан коллеж битирувчиларидан иборат олти нафар мутахассис иш билан таъминланган.

**Суратда: (ўнгдан) корхона инженер-технологи Ҳамро Бердибоев, иш юритувчи Нурбек Худоёров ва ишчи Отабек Саъдуллаев.**

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат**

**Қурултой**

**Ўзбекистон Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг II Қурултойи бўлиб ўтди. Унда тармоқ ходимлари касаба уюшмаларининг 2011 йил август ойидан 2013 йил июлгача бўлган даврдаги фаолияти ҳамда келгусидаги вазифаларига эътибор қаратилди.**

**Тадбирда касаба уюшмалари фаоллари, ҳудудлардан келган делегатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**

## Сарҳисоб

### ютуқлар қайд этилди, камчиликлар ҳам

Тармоқ Марказий кенгаши раиси Равшан Бедилов ҳисобот давридаги фаолиятга тўхталар экан, даставвал истиқлол йилларида таълим, фан ва маданият соҳаларида эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритди. Таъкидланганидек, давлат жами харажатларининг қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга, 34 фоиздан ортиғи эса таълим тизимини молиялаштиришга йўналтирилганлиги эътиборга молик. Яна бир муҳим жиҳат, 2012-2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди. Натижада, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг январидан эса олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш ҳамда олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилди.

Ушбу ўзгаришлар жараёнига мос равишда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва тасарруфдаги барча ташкилотлар давлатимизнинг соҳага оид қонунлари, ўз Устави, касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултой Резолюцияси ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг I Қурултой Қарори, Вазирлар Маҳкамаси, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун қабул қилинган Бош келишув асосида иш олиб борди.



Ҳозирда тасарруфида 17 минг 718 та ташкилот бўлиб, 1 миллион 976 минг 669 нафар аъзони бирлаштирган тармоқ Марказий кенгаши устувор йўналишларни белгилаб олган ҳолда изчил фаолият олиб бораётир. Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан тармоқ келишувларини имзолаган. Умуман олганда, ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида тизимда 197 та ҳудудий келишув ҳамда 17709 та жамоа шартномаси тузилган бўлиб, уларда ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоя, бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат муҳофазаси, ходимлар, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, аёллар ҳамда ёшлар манфаатлари муҳофазаси ва тармоқ хусусиятларидан келиб чиқадиган бошқа меъёрлар ўз аксини топган.

Чунончи, жамоа шартномасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши учун ҳар бир ходимга сарфланаётган ўртача маблағ миқдори йил сайин ошиб бораётганини кўриш мумкин. Жумладан, 2011 йилда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 368 минг, 2012 йилда эса 463 минг сўмни ташкил этди. Давлат дастурларига асосан жамоа шартнома ва келишувлари орқали касаба уюшма ташкилотлари томонидан ходимларга берилган моддий ёрдам охирги уч йил давомида 4 млрд. 35 млн. сўмга етди. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 218 нафар кам таъминланган, чин етим, иқтидорли талабага 282 млн. сўм миқдорида шартнома тўловлари амалга оширилди. 117 нафар кам таъминланган, иқтидорли талабага 50 млн. сўм атрофида устама стипендия берилди.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 24 минг 496 нафар фарзандига ўқув қуроллари, дарсликлар олиб берилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунга қадар бўлган 3963 нафар ёш онага, тармоқнинг ташкилот ва муассасаларида ишлаб нафақага чиққан 1965 нафар ёлғиз кексага моддий ёрдамлар берилди, беморлар ҳолидан хабар олинди.

*(Давоми 2-саҳифада).*

## Ўзгараётган Ангрен

***Ангрен шаҳрида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, аҳолининг турмуш даражаси тубдан яхшиланди. Айни пайтда бу ерда янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш ишлари давом этмоқда. Натижада, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда, кўплаб иш ўринлари яратилаётир.***

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 13 апрелда қабул қилинган «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида Ангрен шаҳрида ўтган навбатдаги тадбир барчада катта таассурот қолдирди.

Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ж.Раметов, А.Ғаниев ва бошқалар мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари аҳолига қулайлик яратиш, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ватан, истиқлол, тинчликни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

**ЎзА**

**Одами эрсанг...**

## Болаларга бахт улашган жамғарма

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ёрдам бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш борасида нафақат давлат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар ҳам қизғин фаолият юритмоқда. Хусусан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим ишларни амалга ошириб келаётир. Жамғарма томонидан бемор болаларни чет элдаги нуфузли клиникаларда даволаш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилган.**

Жумладан, 2002 йилда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти ўртасида уч томонлама ҳамкорлик битими имзоланган эди. Битимга кўра, бемор болаларни Германиянинг нуфузли клиникаларида соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилган.

Яқинда ўзбекистонлик 16 нафар бемор бола Германия клиникаларида даволаниш учун жамғарма вакиллари ҳамроҳлигида Тошкент халқаро аэропортидан Германияга учиб кетди. Улар Германия клиникаларида 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддат давомида даволаниб қайтишади.

Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти 1967 йили ташкил топган бўлиб, дунёдаги 35 дан ортиқ давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Ҳамкорлик доирасида 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни даволаш ҳамда реабилитация қилиш билан шуғулланади. 2002-2013 йиллар давомида 218 нафар ўзбекистонлик бемор бола терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташхислар билан Германиянинг нуфузли клиникаларида даволанишди.

*(Давоми 4-саҳифада).*

## Янгиликлар оқимидан

**НАМАНГАН**

**Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида тадбир ўтказилди.**

### ТИББИЁТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Унда сўз олганлар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилганлиги, шу боис замонавий ҳамда халқаро андазалар даражасидаги тиббий хизмат кўрсатиш тизими баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Тадбирда «Тошкент шаҳрида тиббиёт: кеча ва бугун» мавзусида кўргазма ташкил этилди. Унда учта энг яхши ва фаол оилавий поликлиника вакилларига бошқарманинг қимматбаҳо совға ва дипломлари топширилди.

**«Туркистон-пресс»**

**ҚАШҚАДАРЁ**

**Қишлоқ хўжалиги, тоғ транспорти ва автобуслар учун 120 хилдаги совутиш радиаторлари ишлаб чиқарадиган Қарши шаҳридаги «Автотрактор» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг қуввати тобора ортмоқда.**

### ИККИ БАРАВАР КЎП

Ўтган ярим йилликда жамоа ишчилари томонидан 1048 та радиатор тайёрланди. Улар хорижий давлатларга ҳам экспорт қилиниб, трактор ва автомобиллар, шунингдек, махсус транспорт воситалари учун ишлатилмоқда. Корхонада радиатор икки баравар купайтирилиб, сифат ва суръатда юқорилаш кўзга ташланмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

**БУХОРО**

**Бухоро вилояти мусиқали драма театрида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқарувининг турли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

### «ЧЎЛҚУВАР» — ҒОЛИБ

Бугунги кунда вилоятда 550 та фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни ўрганиш, рағбатлантириш ҳамда илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ташкил этилган кўрик-танловнинг қуйи босқичларида юқори натижаларга эришган 13 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи иштирок этди.

Қоровулбозор туманидаги «Чўлқувар» маҳалла фуқаролар йиғини (раиси Ўктам Хайриев) ғолиб деб топилиб, кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди.

**Ўз мухбиримиз**

Ishonch
2013-yil 20-avgust № 98 (3291)

# Сарҳисоб
## ютуқлар қайд этилди, камчиликлар ҳам

*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Бундан ташқари, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш юзасидан муайян тадбирлар амалга оширилди. Тармоқда фуқаролар мурожаати билан ишлашни янада кучайтириш мақсадида «Ишонч телефони» жорий қилинди. Ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир ишларни ташкил этиш учун 2011, 2012 ва 2013 йилнинг 6 ойи давомида касаба уюшма ташкилоти фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича 882 та тармоқ муассасаси ҳамда касаба уюшма ташкилотларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнат ҳуқуқига оид 369 та низонинг 220 таси касаба уюшма ташкилотлари орқали қаноатлантирилган. Жумладан, касаба уюшма кўмаги билан 67 нафар ходим ишга тикланган. Ҳисобот даврида 2025 та ёзма ва оғзаки мурожаат тушган бўлиб, белгиланган тартибда кўриб чиқилди ва ўз ечимини топди. Жойларда мурожаатларда қайд этилган муаммоларнинг келиб чиқиш туб сабаблари таҳлил қилиниб, вилоят кенгашлари касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари, вилоят адлия бошқармаси, фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, прокуратура ҳамкорлигида тармоқ тизимида фаолият олиб бораётган фаоллар иштирокида 393 та ўқув семинар ва давра суҳбати ўтказилди.

Ходимлар, талаба-ёшлар учун соғлом, хавф-хатарсиз меҳнат ҳамда ўқиш шароитини яратиб бериш Марказий кенгаш фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Тармоқ тасарруфидаги ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича 9 минг 517 та касаба уюшма ташкилоти фаолияти ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида 24 минг 655 та меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунлар, қоида ва меъёрларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган бўлиб, саъй-ҳаракатлар туфайли 20 минг 659 таси бартараф қилинди. Аниқланган камчиликларнинг 4471 таси касаба уюшма органлари аралашуви билан ижобий ҳал қилинди ва иш берувчиларга 1428 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 547 тасига ҳуқуқий-маслаҳат тариқасида ёрдам кўрсатилган. Ўтган даврда касаба уюшмаларида 35 мингдан ортиқ жамоатчилик асосидаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар билан иш олиб борилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини касбга йўналтириш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш, хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи маркази ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Маданий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари билан бирга ҳар ойда бир марта «Маънавият соатлари» уюшқоқлик билан ташкил этилаётир. Барча муассасаларда оммавий спорт мусобақалари, маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилиши йўлга қўйилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, 2011 йил июл ойида ташкилий ва молиявий жиҳатдан кучли касаба уюшмасини барпо этиш ва шу асосда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ва Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаси қўшилиш йўли билан қайта ташкил этилиб, уларнинг асосида ягона касаба уюшмаси ташкил қилингани фаолият самарадорлигида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тизимнинг мунтазам такомиллаштириб борилиши эса касаба уюшмалари молиявий томондан мустаҳкамланиб, аъзолар манфаатлари таъминланишида қўл келаётир.

Жорий йил касаба уюшмалари тизимида «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришда касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашларининг ролини янада ошириш бўйича муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, жойларда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг 1-, 2- босқичлари намунали тарзда ўтказилди. Шунингдек, ҳудудлардаги намунали туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида Марказий кенгаш томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Эътиборли томони, ижтимоий шериклик асосида бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раисларидан 730 нафари ташкилот ва муассасалар бошқарув органлари таркибига киритилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тасарруфидаги ЮНИСЕФнинг «Мактабгача ҳамда умумий ўрта таълимни ривожлантириш» лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ҳужжатларни тайёрлашда ишчи гуруҳ таркибида Марказий кенгаш ходимлари ҳам иштирок этмоқда. Бундан ташқари, касаба уюшмаси тизимига ахборот коммуникация технологияларининг жорий этилиши натижасида касаба уюшмаси органлари ўртасида электрон ҳужжат айирбошлаш кўлами кенгайди, ҳужжатларни жойларга тезкор етказиш тизими жорий этилди.

Сўзга чиққан тармоқ касаба уюшмаси Фарғона вилояти масъул ташкилотчиси Собирхўжа Саидхўжаев, Нукус олимпия захиралари коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси Тазагул Турсимуродова, тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгаши раиси Равшаной Ғозиева, Қарши маданият ва спорт ишлари бўлими касаба уюшма қўмитаси раиси Адолат Жуманова мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Жумладан, юқорида келтирилган ижобий натижалар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев сўзга чиқди.

Йиғилишда бир қатор ташкилий масалалар кўриб чиқилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

***

Куннинг иккинчи ярмида Қурултой иштирокчиларининг Ҳазрати имом мажмуасига ташрифи уюштирилда.

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ўқув

**Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ЎзКУФК Ўқув марказида ташкил этилган ўқувда тармоқнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги жамоатчилик асосида ишлаб келаётган бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари қатнашди. Унда мутахассисларнинг мавзу юзасидан маърузалари тингланди.**

# Билимига яраша сертификат

Айниқса, бошланғич ташкилотларнинг Устав бўйича фаолиятини намунали тарзда олиб боришини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Андижон вилоятидаги «ЎзДонгЖуПейнт» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Сардорбек Латипов ўз ташкилоти фаолиятини тақдимот орқали очиб бергани кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ўқув доирасида тингловчилар «Тошкент трактор заводи» ОАЖга ташриф буюришди. Завод касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Ибрагимов амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб берди ҳамда меҳмонларни завод қошидаги тиббий санитар бўлими, Маданият саройи ва спорт мажмуаси билан таништирди. Иштирокчилар Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек боғида ҳам бўлиб, маданий ҳордиқ чиқаришди.

Ўқув сўнггида суҳбат ва тест синовлари ўтказилиб, бошланғич ташкилотлар раҳбарларининг билими ва эришган натижалари тегишлича баҳоланди. Касаба уюшма қўмитаси раисларига олган билими даражасига асосан 1-,2- ва 3-даражали сертификатлар топширилди.

**Ўз мухбиримиз**

## Семинар

**«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси касаба уюшмаси ташкилоти томонидан Тошкент вилоятидаги «Зангори олов» болалар соғломлаштириш оромгоҳида тармоқ касаба уюшма етакчилари учун мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик байрамига бағишланган икки кунлик ўқув-семинари ўтказилди. Унда касаба уюшмаларидаги ўзгаришлар тўғрисида фикр алмашилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарининг тақдимотига бағишланган ҳужжатли филм намойиш этилди.**

# Самарали ва мароқли

— Тармоқда фаолият юритаётган етакчиларнинг кўпчилиги ёшлардан иборат, — деди тадбирда Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Гулбаҳор Ҳакимова. — Уларга халқимиз истиқлолга ўз-ўзидан эришмагани, Президентимизнинг узоқни кўзлаган оқилона сиёсати натижасидагина катта қурбонлар, қонли тўқнашувларнинг олди олинганини тушунтириб беришимиз лозим. Ҳозир ўша давр, истиқлол олди даҳшатлари — Фарғона, Ўш воқеалари, омманинг «кўр» кучини хоҳлаган томонга буриб юборишга тайёр турган ёвуз ҳаракатлар хуружи, иқтисодий инқироз, дўконлар олдидаги нон учун тизилган узундан-узоқ навбатлар... Буларни унутиб бўларканми ахир!

Семинарда касаба уюшма ташкилотларининг иш берувчи билан ижтимоий шерикликни кучайтириш борасидаги вазифалари масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бошланғич ташкилотлар етакчиларининг бу борадаги саволларига Марказий кенгаш мутахассислари томонидан атрофлича жавоб берилди. Жумладан, Марказий кенгаш раисининг ўринбосари Ғофуржон Ҳамидовнинг «Иш берувчилар билан ижтимоий шерикликни кучайтиришда цех касаба уюшма етакчиларининг асосий вазифалари, ижтимоий ҳимоя асослари ва уни амалга ошириш воситалари» мавзусидаги маърузаси тингланди. Жамоа шартномаларини тузиш ва унинг ижросини назорат қилиб бориш, меҳнат таътиллари, ходимларни мукофотлаш, иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшмаларининг розилиги, нафақалар масалаларига оид саволларга жавоб берилди.

— Касаба уюшма тизимидаги, мамлакатимизнинг меҳнат қонунчилигига оид кўплаб янгиликлардан хабардор бўлдик, — дейди Чиноз тумангаз бўлими цех касаба уюшмаси раиси Доно Файзулина. — «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳалари тўғрисида маълумот олдик. Бу каби ўқишлар, албатта, бошланғичлар фаолияти самарадорлигини оширишга, ишларнинг қонуний йўлга қўйилишига хизмат қилади.

Семинарда Марказий кенгашнинг молия бўлими бошлиғи Зарофат Ибрагимованинг «Касаба уюшма маблағларини мақсадли ва самарали тасарруф этиш» мавзусидаги маърузаси ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Шундан сўнг етакчиларнинг мамлакатимиз меҳнат қонунчилиги борасидаги билимлари тест синовидан ўтказилди. Меҳнат кодекси, молиявий ҳужжатларни юритиш, спорт ва бошқа мавзудаги тадбирларни ўтказиш йўналишидаги саволлар кўпчиликнинг билимини янада оширишга хизмат қилганлиги эътироф этилди.

Тадбир доирасида «Балли, қизлар» кўрик-танлови ташкил қилинди. Танловда тармоқдаги фаол хотин-қизлар уч йўналиш бўйича беллашди. Натижаларга кўра, 1-ўринни Қибрай туманилик Нодира Тоштемирова, 2 ўринни Бекобод шаҳрилик Нодира Шодиева ва учинчи ўринни Ангрен шаҳридан Дилбар Пардаева эгаллади. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирнинг иккинчи куни ходимлар ўртасида сузиш, теннис, шахмат, шашка, волейбол бўйича спорт мусобақалари ташкил қилинди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



# Фахрлансак арзир бир умр

**Ўтаётган ҳар бир кун бизни истиқлолнинг йигирма икки йиллик тўйига тобора яқинлаштираётир. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ўтаётган тадбирларда халқимиз истиқлол берган имкониятларнинг беқиёс аҳамиятини дилдан ҳис этаётир.**

Олмазор туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» мавзуидаги байрам тадбирига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, тумандаги маҳалла фаоллари, корхона, ташкилот ва муассасалардан вакиллар таклиф этилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов, Лутфулла Саъдуллаев ва бир қатор эл ардоғидаги инсонлар йиғилганларга босиб ўтилган залворли йўллар, амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлаб, бу кунларнинг қадрига етиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Маданий-маърифий тадбирга ёш эстрада хонандалари дилтортар куй-қўшиқлари билан файз киритишди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Козим ЎЛМАСОВ олган сурат**

## Тенглар ичра тенги йўқ

**Таълим соҳасидаги ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган «Инссад» халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Маъруза Жаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган бўлиб, дунёнинг 141 мамлакатидаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон — шунга эътибор беринг — дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган.**

# Биз — жаҳонда

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юксак минбардан туриб ушбу рақамларни тилга олганда, қувонч ва ҳаяжондан бир қалқиб тушганимиз рост.

Сармояни, куч ва билимни накд фойда келтирадиган соҳаларга йўналтириш кўпчиликнинг қўлидан келади, аммо, қадр-қимматини ўлчашга тош-тарози, ифодалашга рақам топилмайдиган маънавий-маърифий тармоқлар ривожига маблағ сарфлаш учун оқиллик, донолик, сахийлик билан биргаликда олис келажакни кўришдек иқтидор ва салоҳият лозим. Тарихан қисқа муддатда ўзбек халқи ўзининг мана шу фазилатлар эгаси, буюк аждодларга муносиб ворис эканини аҳли жаҳонга намоён этди ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг эътирофи ва эҳтиромига эришди.

Дарвоқе, глобал иқтисодий-молиявий инқироз шароитида Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидан изчиллик билан одимлаётгани, яъни энг пешқадам давлатларда ишлаб чиқариш суръатлари пасайиб, ишсизлик авж олган 2008-2012 йилларда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати йилига ўртача 8,4 фоизни ташкил этгани, ялпи ички маҳсулот ҳажми 2012 йилда 1990 йилга нисбатан 4,1 баробарга ошиб, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,8 баробарга кўпайгани, барқарор ўсиш суръатлари давом этаётган етакчи 10 давлат қаторидан жой олгани ҳақида гап кетганда, бу ютуқлар истиқлолнинг илк йилларида танлаб олинган — бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўли — машҳур «ўзбек модели»нинг самараси эканини таъкидлаймиз.

Маърифий- маънавий соҳада амалга оширилган ишлар ва муваффақиятлар ҳам иқтисодий кўрсаткичлардан асло қолишмайди. Бунинг замирида эса буюк аждодлар ибрати ҳамда жаҳондаги пешқадам давлатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ва узоқ муддатга мўлжалланган оқилона сиёсат мужассамдир.

Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат иқтисодиёти шаклан ва мазмунан янгиланаётган, юзлаб муаммо ва қийинчиликлар ўз ечимни кутаётган оғир бир даврда ижтимоий соҳанинг энг оғир, энг харажатталаб тармоғи бўлмиш таълим-тарбия тизимини тубдан янгилаш ва замонавий андазалар асосида юксалтиришни, яъни миллий заминдан узилмаган ҳолда умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланган,замонавий фан-техника ютуқларини ва технологияларни пухта ўзлаштирган авлодни тарбиялашни асло кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири сифатида белгилаб олди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 1997 йилнинг 29 августида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури юртнинг бўлажак эгаларини ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказишнинг тамал тошини қўйиб берди.

Маълумки, эски таълим тизими мактабгача тарбия, умумий мажбурий таълим, ўрта махсус ҳамда олий таълимдан иборат эди. Бир қарашда мукаммалдек туюлган бу тизимнинг энг катта нуқсони шунда эдики, умрининг ўн йилини мактаб партасида ўтказган йигит-қизлар катта ҳаётга фан асосларини нари-бери ўрганган, аммо, касбининг ҳам, ҳунарининг тайини йўқ фуқаро сифатида қадам қўярди. Билим юртлари ва техникумлар олий ўқув юртига киролмаган ёшлар учун заҳарбосдининг ўрнига ўтар, касб-ҳунар коллежлари эса тарбияси қийин ёшлар ўқитиладиган, обрў ва нуфузини йўқотган таълим-тарбия маскани саналарди.

Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг асосий мақсадларидан бири таълим-тарбия муассасаларини ёшларни замонасига муносиб, комил инсонлар қилиб вояга етказишдан, яъни билим асосларини чуқур ўргатиш билан биргаликда бирорта касбни мукаммал эгаллаган, мажбурий ўрта таълим орқали мустақил ҳаёт кечиришга тайёр шахсга айлантиришдан иборат эди.

Ушбу мақсадга эришиш учун умумий ўрта мажбурий таълим - мактабгача таълим, бошланғич (I-IV синфлар), ўрта ( I - IX синфлар) ҳамда уч йиллик ўрта махсус таълимдан иборат қилиб белгиланди.

Маълумки, шиддат билан ривожланаётган бугунги кунда замон билан ҳамқадам бўлмаган, яъни, илм, фан-техника оламида юз бераётган янгиликлардан бохабар бўлиб, уни амалий фаолиятга татбиқ этиш йўлини тутмаган ҳар қандай мутахассис, ҳар қандай раҳбар, ҳар қандай олимни ҳаёт четга суриб қўяди. Бунинг олдини олиш учун эса ўқиш ва ўрганишни мамлакат фуқароларининг бир умрлик ҳамроҳига айлантирадиган тизимни яратиш ҳам дастурнинг муҳим бир йўналишларидан бири қилиб белгиланди.

Шунинг учун касб -ҳунар таълими дастури ривожлантирилиб, олий (бакалавриат, магистратура) таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни, яъни кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни қамраб олади.

Бир қарашда оддий туюлган ушбу вазифаларни амалга ошириш осон эмасди, албатта. Бу эса мавжуд таълим тизими ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиланиши, яъни давлат таълим стандартлари, дарсликларнинг янги авлодини яратиш билан биргаликда ўқув жараёнига инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этишни тақозо этарди.

Бироқ, катта қисми қирадирлар бағридаги катта-кичик қишлоқлар, овулларда, қиёфаси қишлоқдан фарқ қилмайдиган шаҳарча ва қўрғонларда жойлашган, олтмиш-етмиш йил бурун чим, гувалак, пахсадан тикланган, пойдеворсиз, томига кейинги даврларда шифер қоқилган, бир қисми ғишт ва темир-бетон деворлардан тикланган кўп қаватли, аллақачон ташқи-ю ички кўриниши файз-тароватини йўқотган, асосий аслаҳаси қорага бўялган дарс тахтаси-ю бўрдан иборат 9 мингдан ошиқ мактаблар, улардан фарқ қилмайдиган касб-ҳунар коллежлари бинолари дастур талабларига мутлақо жавоб бермаслиги аён эди. Бунинг устига мавжуд ўрта махсус таълим масканлари умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг ўттиз фоизини ҳам қамраб олишга қодир эмасди.

Бошқача қилиб айтганда, республика ҳукумати олдида 11 мингдан ошадиган, ҳар бирининг лойиҳа қиймати миллиард-миллиард сўм турадиган таълим-тарбия масканларининг асосий қисмини тўрт-беш йил ичида замонавий андазалар асосида янгидан қуриш, қолганларини бутунлай реконструкция қилиш, айни пайтда барчасини пешқадам мамлакатлардаги ўқув даргоҳларидан қолишмайдиган фан кабинетлари, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш, компютер синфлари билан таъминлаш вазифаси турарди.

Қиймати жиҳатидан астрономик рақамларда ифодаланадиган маблағ ҳамда ниҳоятда катта меҳнат талаб қиладиган кенг миқёсли вазифани тўрт-беш йилда амалга ошириш тажрибаси ҳали жаҳондаги бирорта мамлакат, ҳатто энг тараққий этган давлатлар тарихида ҳам кўрилмаган ҳодиса эди.

Дарҳақиқат, ана шундай кенг кўламли бунёдкорлик иши истиқлолнинг биринчи ўн йиллигини куни кеча босиб ўтган, ғалла ва нефт мустақиллигини эндигина қўлга киритган, иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида технологик янгиланиш бошланиб, кичик ва ўрта бизнес тармоқлари қаддини ростлаётган бир мамлакатда амалга оширилаётгани ҳам ҳайрат ва таҳсинга арзигулик эди. Мана шундай мураккаб даврда давлат бюджетининг катта қисми юртимизнинг келажаги учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш тизимини ривожлантиришга йўналтирилди.

Натижада, 2011-2014 йилларда 9,5 мингта мактабнинг

# «Чимён санаторийси» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

## 22 йил



Меҳнаткаш халқимиз ва соҳа ходимларини

**Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллиги билан қутлайди.**







**Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида ибрат кўрсатаётган фидойи инсонларга, уларнинг оила аъзоларига мустаҳкам соғлик, оилавий бахт-саодат, хушкайфият ва бунёдкорлик ишларида улкан зафарлар ёр бўлсин!**



**Аукцион савдолари хабарномаси.**

**«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**I. 2013 йил 6 сентябр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй** манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 27.11.2012 йилдаги 10-1218/16125-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «DIA» хусусий фирмаси кредиторларининг 12.08.2013 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 15.08.2013 йилдаги 60-сонли буюртмасига асосан фирма ҳисобидаги кўчмас мулк тоифасига кирмайдиган қуйидаги мулклари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

| Лот | Номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Бошланғич баҳоси (сўм) | Лот | Номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | Трансформатор КТНП 63/10-042 | дона | 1 | 2 669 843 | 14 | а/м ГАЗ-31029 | дона | 1 | 1 901 900 |
| 2 | Верт-сверильный | дона | 1 | 194 076 | 15 | Пилита бетон | дона | 8 | 2 012 556 |
| 3 | Эл. двигатель (не рабочий) | дона | 1 | 97 256 | 16 | Шкаф деревянный | дона | 1 | 121 030 |
| 4 | Ручной гиб (не рабочий) | дона | 1 | 90 773 | 17 | Стол | дона | 1 | 169 442 |
| 5 | Отрезной станок | дона | 1 | 181 829 | 18 | Стол | дона | 1 | 60 515 |
| 6 | Отрезной станок | дона | 1 | 181 829 | 19 | Сейф | дона | 1 | 211 803 |
| 7 | Отрезной станок | дона | 1 | 181 829 | 20 | Метал шкаф (эл.щит) | дона | 7 | 907 725 |
| 8 | Отрезной станок | дона | 1 | 181 829 | 21 | Металкозлы | дона | 20 | 605 150 |
| 9 | Отрезной станок | дона | 1 | 454 573 | 22 | Сварочный аппарат БД-306 | дона | 1 | 271 241 |
| 10 | Отрезной станок | дона | 1 | 454 573 | 23 | Сварочный аппарат | дона | 1 | 271 241 |
| 11 | Туалет (метал) | дона | 1 | 237 738 | 24 | Сварочный аппарат | дона | 1 | 271 241 |
| 12 | Шлифовальный станок мини | дона | 1 | 121 030 | 25 | Сварочный аппарат | дона | 1 | 474 672 |
| 13 | УАЗ М49 93 | дона | 1 | 862 125 | | | | | |

**II. 2013 йил 6 сентябр куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида** ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 15.05.2013 йилдаги 10-1306/5813-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «RISE LAND MOTORS» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси тугатиш бошқарувчисининг 19.08.2013 йилдаги 25-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги ҳар бирининг бошланғич баҳоси 2 476 800 сўм бўлган 2 дона ЕВ 687.22 русумли электр погрузчиги ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

***Талабгорлар диққатига.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2013 йил 5 сентябр кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувохнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ, х/р: 20208000005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082, ОКОНХ: 84500.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:
Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати)
тел: +99893 529-30-13, +99893 553-51-41. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувохнома № 006263.

**Хизматлар лицензияланган.**



**«BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ «Аукцион» савдоларига таклиф этади.**

**Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 14 июндаги 21а-сонли буйруғига асосан ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги такрорий очиқ «АУКЦИОН» савдоларига чиқарилмоқда:**

1. Қоровулбозор тумани Ал Бухорий маҳалла фуқаролар йиғини Мустақиллик кўчаси ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун 400 кв.метрдан иборат бўлган 13 та ер майдонлари.

**Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 384 000 сўмдан.**

**Талабгорлар диққатига!**

**«АУКЦИОН»** савдолари 2013 йил 24 сентябр куни соат 11: 00 да Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй (4-қават) манзилида ўтказилади.

**«АУКЦИОН»** савдоларида иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» — «BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамиятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

Кўрсатилган мулкни сотиб олиш истагида савдода иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманома;

Закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси;

«Аукцион ташкилотчиси»нинг реквизитлари: СТИР 302045495, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро вилоят минтақавий филиалидаги 20208000204922559001 ҳисоб рақамига (ёки кассасига) объект бошланғич баҳосининг 15 % (ўн беш фоиз) миқдоридаги закалат пуллари тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси-паспорт нусхаси:

хорижий юридик шахслар: - уларнинг уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

хорижий фуқаролар:- чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт:

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар: - яшаш гувоҳномаси нусхаси:

**«АУКЦИОН»** савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан буюртманомалар ҳафтанинг ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй, 4-қаватида қабул қилинади.

Закалат пулларининг киритилиши **«АУКЦИОН»** савдолари бошланишидан бир соат олдин Буюртманомаларни қабул қилиш **«АУКЦИОН»** савдолари ўтказилиши белгиланган санадан 1 кун олдин, яъни 2013 йил 23 сентябр куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Буюртманомаларни қабул қилиш, ҳамда Сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

**«Аукцион ташкилотчиси» — «BEST GLOBE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти.**
Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй.
Лицензия RR 0029, E-mail: bg_rieltor@list.ru, тел: +99 895 600-97-17.

**Хизматлар лицензияланган.**


асосий қисми янгидан қурилди ва бир қисми капитал реконструкция қилиниб, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди. Ҳозирга келиб, умумтаълим мактабларининг умумий сони 9860 тадан ошиб кетди. 600дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи Ziyo Net электр тармоғига уланган.

8 мингдан ортиқ таълим муассаси газ ва сув билан таъминланди. Марказлаштирилган канализация тармоқлари юзага келди.

Мамлакатимизда ўрта махҳашаматли қилиб қурилгани ҳам диққатга сазовордир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қилинган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ 2012-13 -ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълим тизимига тўлиқ ўтиб бўлинди. Яъни, умумтаълим мактабларини битирган барча ёшларни ўрта-махсус таълим билан қамраб олиш, уларнинг бир ёки бир неча касбни эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё этилди.

Шу йиллар давомида юртимиздаги олий ўқув юртлари сони икки бараварга кўпайиб,

Ушбу улуғ вазифаларни қисқа муддатда рўёбга чиқаришда давлат билан жамият ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик ва ҳамкорлик бутун борлиғи билан намоён бўлди. Таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, синфхона ва ўқув лабораторияларини жиҳозлаш, янги технологик ускуналар билан таъминлаш жараёнида серҳиммат тадбиркор ва ишбилармонларнинг фаол иштирок этгани, ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда саховат билан ҳомийлик ёрдами кўрсатгани ва кенг жамоатчиликнинг умумхалқ

# ИККИНЧИМИЗ

сус таълим тизимини ривожлантириш йўлида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. 143 та академик лицейлар ва 1496 та касб-ҳунар коллежларининг деярли ҳаммаси ўзига хос лойиҳа асосида бунёд этилган ёки реконструкция қилинган, барча мезонлар бўйича дунёвий андазаларга мос келадиган синфхоналар, фан кабинетлари, ўқув-лабораторияларига эга бўлган биноларда фаолият кўрсатмоқда. Шаҳар ва қишлоқларнинг кўркига айланган ушбу иншоотларнинг миллий ва замонавий меъморчилик аньаналари асосида, ҳар томонлама қулай, шинам ва

таълим сифати юксалгани ва нуфузи ортганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Барча университет ва институтлар, хорижий олий ўқув юртларининг филиалларида талабаларнинг билим олиш ва яшашлари учун яратилган имкониятларнинг ўзи алоҳида мақолага мавзу бўлади.

Ўсиб келаётган авлоднинг иқтидорини камол топтириш йўлида ҳам ибратомуз ишлар қилинди. 2011-2015 йилларда 400 та болалар спорти, 221 та мусиқа ва санъат мактаблари қуриш ва реконстукция қилиш режалаштирилган бўлиб, бугунгача ушбу масканларнинг асосий қисми болаларнинг севимли масканига айланиб улгурди.

ҳашарларида ғайрат-шижоат кўрсатгани ҳам алоҳида мақтовга сазовордир.

Бир сўз билан айтганда, атиги ўн йил ичида Юртбошимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда таълим тизимини замонавий асосда юксалтириш, ёшларни билим ва маҳорат борасида жаҳондаги энг пешқадам тенгқурлари билан бемалол беллашадиган инсонлар қилиб камол топтириш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотларнинг эътирофи бунинг ёрқин акс садосидир.

**Бахтиёр РИЗАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**


**«Auto Trade Cooperation» МЧЖ Наманган вилоят филиали очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

2013 йил 20 сентябр куни соат 10.00да аукцион комиссияси иштирокида бўлиб ўтадиган бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдосига Наманган вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмасига қарашли 1997 йилда и/ч д/р 50/752ЕАА, «ГБА-СПГ-Дамас» русумли бошланғич баҳоси 4 267 000 сўм, 1996 йилда и/ч, д/р 50/741ЕАА, «Tico STD» русумли бошланғич баҳоси 8 626 500 сўм, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Косонсой туман кенгашига қарашли 1999 йилда и/ч, д/р 50/174GAA, «Нексия» русумли бошланғич баҳоси 19 400 517 сўм, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Наманган шаҳар Кенгашига қарашли 1996 йилда и/ч, д/р 50/754ЕАА, «Тико» русумли бошланғич баҳоси 8 051 400 сўм, АСМ ходимлари КУК Тўрақўрғон туман кенгашига қарашли 1998 йилда и/ч, д/р 16 АА 390, «Тико» русумли бошланғич баҳоси 5 777 880 сўм бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади. Аукцион савдоси ғолиби томонидан автотранспорт воситаларини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 2,5 % фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. АСМ ходимлари касаба уюшмаси Чуст туман кенгашига қарашли 1998 йилда и/ч д/р 16 АС 921, «Tico STD» русумли бошланғич баҳоси 8 413 650 сўм, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Учқўрғон туман кенгашига қарашли 1997 йилда и/ч, д/р 50-293-LAA, «Тико» русумли бошланғич баҳоси 9 424 463 сўм, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Поп туман кенгашига қарашли 1998 йилда и/ч, д/р 16 АС 006, «Tico STD» русумли бошланғич баҳоси 7 211 700 сўм, АСМ ходимлари касаба уюшмаси Наманган туман кенгашига қарашли 1997 йилда и/ч, д/р 16 АС 083, «Тико» русумли бошланғич баҳоси 8 867 813 сўм, Косонсой санаторияси МЧЖга қарашли 1986 йилда и/ч, д/р 50/493GAA, «ГАЗ-5312» русумли бошланғич баҳоси 5 267 000 сўм, 1989 йилда и/ч, Т-40 русумли, д/р белгисиз бўлган «Трактор» бошланғич баҳоси 2 367 000 сўм, 1984 йилда и/ч, д/р 50/492GAA, «ПАЗ-3742» русумли бошланғич баҳоси 2 582 000 сўм бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади. Аукцион савдоси ғолиби томонидан автотранспорт воситаларини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 2 % фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Автотранспорт воситаларининг аукцион савдоси Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда ўтказилади.

Мазкур автотранспорт воситалари сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йил 27 сентябр, 4 октябр ҳамда ҳар ҳафтанинг жума кунлари юкорида кўрсатиб ўтилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10.00дан 17.00гача Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Озодлик кўчаси, 14-уйда ҳамда Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда қабул қилинади. Талабгорлар аризаларни қабул қилиш «Аукцион» савдолари бошланишидан 1 кун олдин, яъни 19 сентябр соат 10.00да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишувни» имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Auto Trade Cooperation» МЧЖ Наманган вилоят филиалининг ОАИТБ «Ипак йўли» Наманган вилоят филиали, МФО: 01054, ИНН:302477464, х/р: 20208000605015685007 ва «Auto Trade Cooperation» МЧЖнинг ХОАТБ «InfinBANK» банкидаги МФО: 01041, ИНН:302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамларига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак. Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**ДИҚҚАТ, ТУЗАТИШ!**

**«Ishonch» газетасининг 2013 йил 1 августдаги 91 (3284)-сонида «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ томонидан очиқ аукцион савдоларига чиқарилган АСМХ ходимлари касаба уюшмаси Избоскан туман кенгашининг 1998 йилда и/ч д/р 60/016 НАА «Тико» русумли автотранспорт воситаси 2000 йилда ишлаб чиқарилган деб ўқилсин ҳамда «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг ҳисоб-рақами ўзгарганлиги сабабли қуйидаги МФО: 00077, ИНН:30247764, ОАТБ «Агробанк» Андижон вилоят худудий филиалидаги 20208000205015685006 ҳисоб-рақами инобатга олинсин.**

**Шунингдек «Ishonch» газетасининг 2013 йил 15 августдаги 96 (3289)-сонида «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ томонидан очиқ аукцион савдоларига чиқарилган «Чирчиқ авиатция таъмирлаш заводи» ДКга қарашли автотранспорт воситалари бўйича аукцион савдоси ғолиби томонидан савдо ташкилотчисига автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига автотранспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 % ўрнига 4 % фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади деб ўқилсин.**

**Қўшимча маълумот олиш манзиллари: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (+99895) 177-96-74, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, «Озодлик» кўчаси 14-уй. Телефон: (+99894) 301-59-99. Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси 30-уй. Тел:(+99891) 484-14-47. E.mail: avto_tc@mail.ru, nam_atc@mail.ru. Гувоҳнома № 005148**

**Хизматлар лицензияланган.**

